Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат ижтимоий буюртмаси асосида амалга ошириладиган лойиҳалар учун нодавлат нотижорат ташкилотларидан таклифлар қабул қилиш бўйича

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Диққат! Танлов шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 22-февралдаги 135-сон қарори асосида тасдиқланган **“Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисида”**ги Низомга асосан ишлаб чиқилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар бундан мустасно) **қуйидаги танлов мавзуларида** ташаббусли лойиҳани амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида *илова*га мувофиқ шаклдаги лойиҳа таклифлари қабул қилинади.

“Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш ислоҳотлари: тарихга назар” номли нашрни тайёрлаш ва чоп этиш

- Сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган энг муҳим ҳуқуқий, институционал, маъмурий ва рақамли ислоҳотларни аниқлаш, ўрганиш ва тизимлаштириш;
- Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари ва бошқа расмий ҳужжатларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини содда ва тушунарли шаклда ёритиш;
- Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини ёритишда расмий статистика, миллий маърузалар, очиқ маълумотлар, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва нуфузли илмий-таҳлилий тадқиқотлардан фойдаланиш;
- Ислоҳотларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этган давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, экспертлар ва мутахассислар билан интервью ва суҳбатлар ташкил этиш;
- Китоб мазмунини илмий, ҳуқуқий ва фактологик экспертизадан ўтказиш, унда келтирилган маълумотлар, саналар, норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар ва статистик кўрсаткичларнинг аниқлиги ва ишончлилигини текшириш;

- Китобни замонавий дизайн асосида тайёрлаш, уни инфографика, фотосуратлар, хронологиялар, жадваллар ва бошқа визуал материаллар билан бойитиш;
- Китобни адабий ва техник таҳрирдан ўтказиш, саҳифалаш ва босмага тайёрлаш;
- Нашрни юқори полиграфик сифатда 200 нусхада чоп этиш ҳамда уни манфаатдор давлат органлари, таълим ва илмий муассасалар, кутубхоналар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа мақсадли аудитория вакилларига тарқатиш.

Лойиҳа таклифига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилади:

1. давлат ижтимоий буюртмасининг зарурати ва уни бажаришнинг батафсил таснифи*;*

2. давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

3. нодавлат нотижорат ташкилоти устави (низоми)нинг нусхаси;

4. қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида давлат солиқ инспекцияси томонидан тақдим этилган малумотнома;

5. махсус рухсатнома (лицензия) нусхаси, агар давлат ижтимоий буюртмаси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этилса.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббуси билан бошқа ҳужжатлар (сертификатлар, ўтказилган текширишлар бўйича малумотлар ва бошқалар) ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Лойиҳаларни кўриб чиқиш тартиби:

- Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши киритилган лойиҳа таклифини **ўн иш куни ичида** қуйидаги мезонлар асосида кўриб чиқади ва баҳолайди:
- давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисидаги лойиҳа таклифининг давлат органи фаолиятининг устувор ёналишларига мувофиқлиги;
- тегишли соҳа ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларнинг долзарблиги ва аниқ ёритилганлиги;
- муаммоларнинг тасирчан ечими бўйича таклифларнинг илмий асосланганлиги, самарадорлиги ва ноёблиги;
- лойиҳа таклифини амалга ошириш харажатининг асослантирилганлиги;

нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдим қилган лойиҳа таклифини амалга ошириш қобилияти.

Лойиҳа таклифи жамоатчилик кенгаши томонидан ҳар бир мезон бўйича **“1” баллдан “5” баллгача** баҳоланади.

Тўпланган баллар жами баллнинг **81 фоизидан юқори**сини ташкил этса, таклиф ижобий баҳоланган деб топилади.

Лойиҳа таклифи жамоатчилик кенгаши томонидан иловадаги ҳар бир мезон бўйича ижобий баҳоланган тақдирда, **бир иш куни ичида** унинг ташаббускорига Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали ижтимоий буюртма берилиши тўғрисида жамоатчилик кенгашининг қарори қабул қилинади.